

## Нима қилишимиз керак? (учинчи мақола)



11:55 / 24.10.2019 2875

Сайтимиздаги биринчи ва иккинчи мақола айтмоқчи бўлган гапларимизга гўё кириш, асос эди. Энди мақсадга ўтсак.

Мўмин киши ҳар бир ишида Аллоҳнинг кўрсатмаларига, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиши керак. Муслмоннинг устунлиги ҳам шунда. У ғазабланганда ҳам, хурсанд бўлганда ҳам, кенгликда ҳам, тангликда ҳам, ҳатто душман билан жанг қилганда ҳам, динининг душманига рўпара келганда ҳам Аллоҳ ва Расулининг кўрсатмасига кўра адолат ила иш тутеди. Бинобарин, муслмон шахс аҳли илмлар билан муомалада ҳам ўз диди, хоҳиши билан эмас, кўнглига келган фикрлар билан эмас, балки Аллоҳнинг шариатига мувофиқ иш тутиши даркор. Ана шунда Аллоҳ ундан рози бўлади ва у ўзи учун ҳам, дини учун ҳам, бошқа инсонлар учун ҳам манфаатли иш қилган

бўлади. Ана шундагина у чин маънода, нафси ҳавосидан холи ҳолда диннинг ташвиши учун ҳаракатланган бўлади ва қилган амали дунёю охиратда самара беради, Парвардигоримизнинг ҳузурида хижолат бўлиб қолмайди. Зотан, шариат фақат адолат ва инсофга чорлайди.

Шариат кўрсатмаларига кўра биз бугунги кунда аҳли илмларга, имом хатибларга нисбатан қандай муносабатда бўлишимиз керак? Бу борада нима қилишимиз даркор? Қуйида ушбу саволларга қўлдан келганча ва қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, ҳар бир инсон ҳақида, ҳар бир ҳодиса ҳақида фақат яхши гумон қилишга ўрганишимиз керак. Хусусан, аҳли илмлар ҳақида, ўзимиз орқасида намоз ўқиб турган имом хусусида имкон қадар яхши гумонда бўлсак, кейин надомат қилмаймиз. Афсуски, бизда ҳолат аксинча. Бир мусулмон ҳақида аввал минг хил ёмон гумонларни қиламиз-да, кейин тахминларимиз ўзини оқламагач, ноилож яхши гумон қилишга ўтамиз.

Салафи солиҳлардан бири айтади: «Агар бир мўмин дўстим тоққа чиқиб олиб, «Мен олий Роббингизман!» деса, мен уни Нозиъот сурасидан тиловат қиляпти деб гумон қиламан» (Нозиъот сурасида Фиръавннинг ушбу сўзи келтирилган.)

Бирорта аҳли илмда қандайдир камчилик кўрсангиз, аввало ўша ишнинг шариатдаги баҳосини аниқ билиб, кейин хулоса чиқариш керак. Бир имомнинг дидингизга ёқмаган, шахсан сизга қариқ кўринган иши аслида шариатда гуноҳ бўлмаслиги ҳам мумкин. Мисол учун, бир домла: «Давлат раҳбарига шукр келтириш керак», деди. Айрим одамлар уни шоша-пиша ширкда, куфрда айблади. Бирортаси ўйламайдикки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Ким одамларга шукр келтирмаса, Аллоҳга шукр келтирмабди», деганлар.

Бир домлада ростдан ҳам бир камчиликни кўриб, уни тузатишга ақлингиз етса, уни холи жойга чақириб, шахсан ўзига ётиғи билан, одоб билан, самимий насиҳат қилинг. Одамлар олдида овоза қилиб, иғво тарқатиб юрманг.

Имом Шофеъий айтадилар: «Агар менга айбимни ўзимни холи қилиб айтсанг, демак менга насиҳат қилмоқчи экансан. Аммо уни одамлар олдида айтадиган бўлсанг, унда мени шарманда қилмоқчи бўлибсан».

Одамлар олдида бировнинг айбини ошкора айтиш шунчалик номақбул иш экан, энди ўша айбдорнинг йўғида унинг ортидан ғийбат қилиш қанчалик

ёмон эканини ўзингиз билаверинг. Бир мўминнинг айбини бир-иккита одам олдида ғийбат қилиш қанчалар гуноҳ эканини биласиз, энди уни минглаб одамларга намоиш қилишнинг гуноҳини ўзингиз ўйлаб кўринг.

Аҳли илмларга, имомларга самимий хайрихоҳ бўлинг. Зеро, Исломнинг моҳияти шундай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни ўз ҳадисларида таъкидлаганлар.

Тамим ибн Авс Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Дин самимий хайрихоҳликдир»**, дедилар. Биз: «Ким учун?» дедик. У зот: **«Аллоҳ учун, Унинг Китоби учун, Расули учун ҳамда мусулмонларнинг имом-раҳбарлари ва ҳаммалари учун»**, дедилар».

*Имом Муслим ривояти.*

Хайрихоҳлик – панд-насиҳат қилиш, тойилса турғизиш, адашса шафқат ила йўл кўрсатиш, бошига иш тушганда далда бўлиш, тўғри юрганида ёнига кириш, қўллаб-қувватлаш каби ишлар билан рўёбга чиқади.

Аҳли илм одам журъат қилиб, ҳақни айтса, сиз унга далда бўлинг, ҳимоя қилишга урининг, унга кўмаклашинг. Аслида дин хизматиға фақат домлалар масъул эмас, балки ҳар бир мусулмон ўз имкониятиға қараб, динға хизмат қилиши лозим.

– Уларнинг ҳаққиға чин дилдан дуода бўлинг, Аллоҳдан уларға ҳидоят ва сабот сўранг. Инсоф билан ўйланг, сиз бирорта аҳли илмнинг ҳаққиға сабот сўраб, намозлар ортидан чин дилдан дуо қилганмисиз? Кўпчилигимиз ғийбатни дўндирамиз, баъзан мўмин биродарларимизнинг тойилишидан хурсанд ҳам бўламиз. Бу аҳволда унинг ҳаққиға қандай қилиб чин қалбдан дуо қиламиз?

Дуода иш кўп, айниқса, бу ўринда дуо ўта холис бўлади, ижобати яқин бўлади. Ана ўша дуолардан биттаси қабул бўлиб қолса, жуда кўп яхшиликларға сабаб бўласиз. Шу билан бирға, устингизда бир фаришта «Сенға ҳам шундай бўлсин!» деб туради. Бинобарин, дуонинг фойдаси ҳаммадан ҳам кўра сизға кўпроқ бўлади.

Уларға нисбатан самимий бўлинг. Мусулмон одам барчаға самимий бўлиши керак. Хусусан, дин пешволарига нисбатан самимийлик ўта зарур. Ўзини кўрганда етти букилиб, таъзим қилиб, осмонға олиб чиқиб мақтаб, бениҳоя

ихлосу тавозе кўрсатиб, орқасидан ҳар бало деб юриш мусулмоннинг сийрати эмас. Очиғини айтганда, бу мунофиқликдир. Мана шундай носамимийлик ҳам айрим домлаларнинг тўғри йўлдан тойилишига сабаб бўлиши мумкин.

Аҳли илмларнинг обрў-мансаби, мол-пули бориға, фойдаси тегадиганиға бошқа муомала, ночорига, сизға моддий манфаати йўғиға бошқа муомалада бўлиш пасткашлиқдир, худбинликдир.

Аҳли илмни илми учун, имом-домлани дини учун ҳурмат қилиш савобли амал эканини унутманг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз ушбу эҳтиром учун ниятға яраша савоб олаверасиз. Аммо ҳурматсизлик қилишда ҳеч қандай манфаат бўлмайди.

*(Давоми бор)*

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид**